ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАНАЗАРОВ АЗИЗБЕК ОТАЖОН ЎҒЛИ

ПАРАБОЛО-ГИПЕРБОЛИК ВА АРАЛАШ ПАРАБОЛИК ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН ЧЕГАРАВИЙ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА - МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2021

УДК: 517.95

Физика – математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико – математическим наукам

Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on Physical – Mathematical Sciences

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАНАЗАРОВ АЗИЗБЕК ОТАЖОН ЎҒЛИ

ПАРАБОЛО-ГИПЕРБОЛИК ВА АРАЛАШ ПАРАБОЛИК ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН ЧЕГАРАВИЙ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА - МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2021

Физика - математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B 2021.3.PhD/FM627 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Уринов Ахмаджон Кушакович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Қодиркулов Бахтиёр Жалилович** физика-математика фанлари доктори(DSc), доцент
	Апаков Юсуфжон Пўлатович физика-математика фанлари доктори(DSc), доцент
Етакчи ташкилот:	Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» 12 соат 10^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.:(+99873) 244-44-02, факс: (+99873) 244-44-93, e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот - ресурс марказида танишиш мумкин (142 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси, 19- уй. Тел.:(+99873) 244-44-94.

Диссертация автореферати 2021 «18» 12 куни тарқатилди.

(2021 йил «__»_____ даги ______ рақамли реестр баённомаси).

Б.Т.Саматов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, ф.-м.ф.д., доцент

И.У.Хайдаров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

Ш.Т.Каримов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган илмий-амалий тадқиқотлар кўп ҳолларда хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар, хусусан, аралаш типдаги дифференциал тенгламалар назарияси масалаларини ечишга келтирилади. Бунда аралаш параболо-гиперболик типдаги дифференциал тенгламалар ғовак муҳитда иссиқлик ва масса алмашинуви, бир жинсли бўлмаган муҳитда электромагнит майдонининг тарқалиши, иссиқлик майдонининг шаклланиши, ёпишқоқ-эластик ва ёпишқоқ суюқликлар ҳаракати масалаларининг, аралаш параболик типдаги дифференциал тенгламалар эса ёпишқоқлик коэффициенти ўзгарувчан суюқликлар ҳаракати масалаларининг математик модели сифатида қабул қилинади. Шунинг учун аралаш параболо-гиперболик ва аралаш параболик тенгламалар учун чегаравий масалалар қўйиш ва уларни ечиш хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назариясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда жаҳонда хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар, айниқса, аралаш типдаги тенгламалар учун асосий чегаравий масалалар билан бир қаторда янги локал ва нолокал масалаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада, тип ўзгариш чизиғи характеристика бўлмаган параболо-гиперболик тенгламалар учун нолокал масалалар қўйишга ва текширишга, сингуляр коэффициентли аралаш параболик тенгламалар учун чегаравий масалаларни ўрганишга, аралаш параболик тенгламаларнинг янги синфларини аниқлашга ва уларга коррект масалалар қўйишга ҳамда текширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур илмий йўналишлар бўйича ҳозиргача олиб борилган илмий тадқиқотлар ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқларга эга бўлган долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилмоқда. Жумладан, математик физиканинг ноклассик тенгламалари, хусусан, аралаш типдаги дифференциал тенгламаларни ва уларга мос ноклассик масалаларни ўрганишни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дифференциал тенгламалар ва математик физика, динамик системалар ва оптимал бошқарув, амалий математика ва математик моделлаштириш, математик анализ ва функциялар назарияси, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, алгебра ва геометрия фанларининг устувор йўналишлари бўйича ҳалқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математик олимларнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилаб берилган[1]. Бу вазифалар ижросини таъминлашда хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар, хусусан, аралаш параболо-гиперболик ва аралаш параболик тенгламалар учун асосий

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 292-сон қарори

(анъанавий) чегаравий масалалар билан бирга янги коррект нолокал масалалар қўйиш ва тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон "Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон "Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон "Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. "Математика, механика ва информатика" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. И.М.Гельфанд ғовак муҳит билан ўралган каналда газнинг ҳаракатини ўрганишда параболо-гиперболик тенгламалар учун масалалар ўрганиш зарурияти пайдо бўлишини кўрсатиб берган. Шунингдек, Я.С.Уфлянд мураккаб электр тармоқларида тебранишларнинг тарқалиши масалаларини ўрганишда ҳам параболо-гиперболик тенглама учун масалага келган.

Параболо-гиперболик тенгламалар учун чегаравий ва бошланғич чегаравий масалалар ўрганиш бўйича тизимли тадқиқотлар ўтган асрнинг 60-йилларидан бошланди. Бундай тенгламалар учун масалалар ўрганишга бағишланган дастлабки ишлар қаторига Г.М.Стручина, С.И.Гайдук ва А.Иванов, О.А. Ладыженская ва Л.Ступлялис, Л.А.Золиналарнинг ишларини келтириш мумкин. Кейинчалик, параболо–гиперболик тенгламалар учун фундаментал натижалар учинчи тартибли тенгламалар учун М.С.Салаҳитдинов, Т.Д.Джураевлар томонидан олинган бўлса, иккинчи тартибли тенгламалар учун эса А.М.Нахушев, В.А.Врагов, Н.Ю.Капустинлар томонидан олинди. Ҳозирги вақтда иккинчи ва учинчи тартибли параболо-гиперболик тенгламалар учун кўп сонли ишлар мавжуд. Хусусан, Ж.О.Тохиров, А.Сопуев, А.С.Бердышев, Б.Исламов, О.А.Репин, А.В.Псху, К.Б.Сабитов, М.А.Садыбеков, Э.Т.Каримов, В.А.Елеев, А.К.Уринов, Ю.П.Апаков, У.И.Балтаева, А.М.Нагорный ва бошқалар тип ўзгариш чизиғи характеристика бўлган параболо-гиперболик тенгламалар учун локал ва нолокал чегаравий масалалар тадқиқ қилган бўлса, А.С.Бердышев, К.Б.Сабитов, М.А.Садыбеков, Э.Т.Каримов, А.К.Уринов, И.У.Ҳайдаровлар томонидан бундай тенгламалар учун турли чегаравий масалаларнинг спектрал хоссалари ўрганилган. Тип ўзгариш чизиғи характеристика бўлмаган параболо-гиперболик тенгламалар учун чегаравий масалалар Т.Д.Джураев, В.А.Елеев, Н.Ю.Капустин, А.С.Бердышев, Э.Т.Каримов, О.А.Репин, С.Б.Ефимова, М.Мамажонов, Д.Халмуратов, Ю.П.Апаков ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган. Жумладан, Т.Д.Джураев параболо-гиперболик тенгламалар учун юқори ярим текисликда Коши масаласини ва тўғри тўртбурчакда бошланғич-чегаравий масалани ўрганган. В.А.Елеев иккинчи тартибли чизиқли умумий параболо-гиперболик тенглама ва унинг хусусий ҳоллари учун Трикоми масаласига ўхшаш масалаларни ўрганган. Н.Ю.Капустин бир параболо-гиперболик тенглама учун Трикоми масаласини спектрал метод билан ечган. А.С.Бердышев ва Э.Т.Каримов спектрал параметрли параболо-гиперболик тенглама учун Бицадзе-Самарский шартли нолокал масалаларни тадқиқ қилган. О.А.Репин ва С.Б. Ефимовалар Бицадзе-Лыков операторини ўз ичига олувчи параболо-гиперболик тенглама учун Сайго оператори ёрдамида силжишли масала қўйган ва ўрганган. М.Мамажонов ва Д.Халмуратов учинчи тартибли чизиқли умумий параболо-гиперболик тенглама учун чегаравий масалалар баён қилган ва текширган. Ю.П.Апаков уч ўлчовли фазода иккита параллел нохарактеристик тип ўзгариш текисликларига эга бўлган параболо-гиперболик тенглама учун Трикоми масаласини тадқиқ қилган. Шунга қарамай тип ўзгариш чизиғи характеристика бўлмаган сингуляр коэффициентли ва спектрал параметрли параболо-гиперболик тенгламалар учун интеграл шарт ва силжишли шарт берилган нолокал масалалар нисбатан кам ўрганилган.

Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларнинг муҳим синфларидан яна бири аралаш параболик тенгламалардир. Аралаш параболик тенгламалар бўйича тадқиқотлар француз математиги М.Жевре ишларидан бошланган. Кейинчалик итальян математиклари C.D.Pagani ва G.Talenti томонидан иккинчи тартибли параболо-гиперболик тенгламалар учун турли масалалар ўрганилган, А.М.Нахушев эса ишораси алмашинувчи характеристик формани ўз ичига олувчи параболик тенгламалар учун коррект чегаравий масалалар қўйиш усулларини таклиф этган.

А.А. Керефов дастлаб текисликда модел аралаш параболик тенглама учун, кейинчалик n ўлчовли фазода чизиқли умумий аралаш параболик тенглама учун Жевре масаласини тадқиқ қилган, С.А.Терсенов эса $n+m$ ўлчовли фазода n та ўзгарувчи бўйича Лаплас операторини, қолган m та ўзгарувчи бўйича Бессел операторини ўз ичига олувчи ва йўналишлари ўзгарувчи аралаш параболик тенглама учун чегаравий масалалар қўйган ва тадқиқ этган. Шунингдек, иккинчи тартибли аралаш параболик тенгламалар учун чегаравий масалалар тадқиқоти билан М.Акбарова, С.В.Попов, И.Е.Егоров, Н.В. Кислов, М.С.Туласынов ва бошқалар ҳам шуғулланганлар.

Т.Д.Джураев, Ю.Иргашев ва С.В.Попов томонидан учинчи тартибли аралаш параболик тенгламалар учун чегаравий масалалар тадқиқ қилинган бўлса, С.В.Попов ва Дж.Аманов томонидан тўртинчи ва юқори жуфт тартибли шундай тенгламалар учун масалалар ўрганилган.

Сўнгги вақтларда тадқиқотчилар томонидан каср тартибли дифференциал операторларни ўз ичига олувчи аралаш параболик тенгламалар учун масалалар қўйилмоқда ва тадқиқ этилмоқда. Бундай тенгламалар билан С.Х.Геккиева, Б.Ж.Қодирқулов, Дж.Аманов ва бошқалар шуғулланганлар.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирги вақтгача олиб борилган тадқиқотларда фақатгина вақт йўналишлари қарама-қарши бўлган аралаш параболик тенгламалар учун чегаравий масалалар ўрганилган бўлиб, вақт йўналишлари перпендикуляр бўлган тенгламалар учун масалалар ўрганилмай қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ "Дифференциал тенгламалар ва унга турдош математик соҳаларнинг долзарб муаммолари" дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иккинчи тартибли параболо-гиперболик ва аралаш параболик типдаги дифференциал тенгламалар учун масалалар қўйиш ва ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тип ўзгариш чизиғи характеристика бўлмаган параболо-гиперболик типдаги модел тенгламалар учун интеграл шарт ва силжишли шарт берилган нолокал масалаларни баён қилиш ва ўрганиш;

сингуляр коэффициент ва спектрал параметрга эга бўлган тип ўзгариш чизиғи характеристика бўлмаган параболо-гиперболик тенгламалар учун силжишли шарт берилган нолокал масалаларни баён қилиш ва ўрганиш;

вақт йўналишлари қарама-қарши бўлган бутун тартибли аралаш параболик тенглама учун умумий улаш шарти берилган Жевре масаласини ўрганиш;

вақт йўналишлари перпендикуляр бўлган бутун тартибли аралаш параболик тенгламалар учун чегаравий масалалар қўйилишини аниқлаш ва ўрганиш;

каср тартибли аралаш параболик тенгламалар учун чегаравий масалалар қўйилишини аниқлаш ва ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти иккинчи тартибли параболо-гиперболик ва аралаш параболик типдаги дифференциал тенгламалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети иккинчи тартибли параболо-гиперболик ва аралаш параболик типдаги дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида энергия интеграли, экстремум принципи ва интеграл тенгламалар усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тип ўзгариш чизиғи характеристика бўлмаган модел параболо-гиперболик тенгламалар учун интеграл шарт ва силжишли шарт берилган нолокал масалаларнинг бир қийматли ечилиши асосланган;

сингуляр коэффициент ва спектрал параметрга эга бўлган тип ўзгариш чизиғи характеристика бўлмаган параболо-гиперболик тенглама учун силжишли шарт берилган нолокал масалаларнинг бир қийматли ечилишини таъминловчи етарли шартлар аниқланган;

вақт йўналишлари қарама-қарши бўлган сингуляр коэффициентли бутун тартибли аралаш параболик тенглама учун умумий улаш шарти берилган Жевре масаласи ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган;

вақт йўналишлари перпендикуляр бўлган бутун тартибли аралаш параболик тенглама учун Трикоми масаласининг қўйилиши аниқланган ва қўйилган масаланинг бир қийматли ечилиши исботланган;

каср тартибли аралаш параболик тенгламалар учун чегаравий масалалар ечимларининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сингуляр коэффициент ва спектрал параметрга эга бўлган иккинчи тартибли параболо-гиперболик тенгламалар учун силжишли шарт берилган нолокал масалаларнинг бир қийматли ечилиши бўйича олинган натижалардан фойдаланиб, кимёвий кинетика назариясининг бузиладиган сингуляр тенгламалари учун баъзи силжишли шарт берилган чегаравий масалалар ечимларини топиш мумкинлиги асосланган;

иккинчи тартибли параболо-гиперболик тенгламалар учун интеграл шартли масалаларнинг корректлиги бўйича олинган натижалар ёрдамида учинчи тартибли тенгламалар учун чегаравий масалаларни функционал фазоларда кучли ечилишини тадқиқ қилиш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги энергия интеграли, экстремум принципи ва интеграл тенгламалар усулларидан фойдаланиб, дедуктив хулосалар қабул қилинганлиги ҳамда теоремаларнинг қатъий ва тўлиқ исботланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган илмий хулосалар хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назариясининг кейинги ривожида фойдаланилиши мумкинлиги билан асосланган.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти сингуляр коэффициент ва спектрал параметрга эга бўлган параболо-гиперболик тенгламалар учун силжишли шарт берилган масалалар тадқиқоти методларидан фойдаланиб, Бессел тенгламасининг тебраниш асимптотикасини қуриш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Параболо-гиперболик ва аралаш параболик тенгламалар учун чегаравий масалаларни тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

иккинчи тартибли параболо-гиперболик тенгламалар учун нолокал масалалар тадқиқоти натижалари “Математик физиканинг ноклассик тенгламалари учун чегаравий масалаларнинг корректлигини текшириш” (Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан вазирлиги Фан қўмитасининг ёш олимлар танлови, 2021-2023 йй. 2021 йил 5 мартдаги №97КМУ2-рақамли шартномаси, AP 09058677) мавзусидаги халқаро лойиҳада учинчи тартибли дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларни ўрганишда фойдаланилган (Абай номидаги Қозоқ Миллий педагогика университетининг 2021 йил 5 октябрдаги №15-15-10-02-11/1793 рақамли маълумотномаси). Натижада, иккинчи ва учинчи тартибли параболо-гиперболик тенгламалар учун бир нечта чегаравий масалаларнинг функционал фазоларда кучли ечимининг мавжудлигини исботлаш имконини берган;

сингуляр коэффициентли параболо-гиперболик тенгламалар учун нолокал масалалар ва уларни тадқиқ қилиш усуллари "Кимёвий кинетика назариясининг бузиладиган сингуляр тенгламалари ва Бессел тенгламаси ечимининг тебраниш асимптоталарини қуриш" мавзусидаги халқаро лойиҳада фойдаланилган (Ўш давлат университети қошидаги Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институтининг 2021 йил 10 ноябрдаги №1423 рақамли маълумотномаси). Натижада, кимёвий кинетика назарияси масалаларини баён қилиш ва ўрганиш ҳамда уларни амалий масалаларда татбиқ қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий ва илмий – амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 7 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 129 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Параболо-гиперболик тенгламалар учун интеграл шарт ва силжишли шарт берилган масалалар»** деб номланган биринчи боби иккита параграфдан иборат бўлиб, чегараланган аралаш $D = D_0 \cup D_1 \cup D_2$ соҳада тип ўзгариш чизиғи характеристика бўлмаган параболо-гиперболик тенгламалар учун нолокал масалалар баён қилиш ва ўрганишга бағишланган, бу ерда

$$D_0 = \{(x,t): x=0,\ 0<t<T\},\ D_1 = \{(x,t): 0<x<q,\ \ 0<t<T\},$$

$$D_2 = \{(x,t): -x<t<T+x,\ (-T/2)<x<0\},\ q = const>0,\ T = const>0.$$

1.1-параграфда параболо-гиперболик типга тегишли ушбу

$$u_{xx} - \frac{1}{2}(1 - sign x)u_{tt} - \frac{1}{2}(1 + sign x)u_t = 0 \qquad (1)$$

тенглама учун D соҳада қуйидаги масалалар тадқиқ қилинган:

I_1 **масала.** *Шундай* $u(x,t) \in C(\overline{D}) \cap C_{x,t}^{2,1}(D_1) \cap C_{x,t}^{2,2}(D_2)$ *функция топилсинки, у* $D \setminus D_0$ *соҳада (1) тенгламани,* D_0 *кесмада ушбу улаш шартини*

$$\lim_{x\to -0} u_x(x,t) = \lim_{x\to +0} u_x(x,t), \qquad t \in (0,T), \qquad (2)$$

D *соҳа чегарасида эса қуйидаги чегаравий шартларни*

$$u(x,0) = \varphi_0(x), \qquad x \in [0,q]; \qquad (3)$$

$$\int_0^q u(x,t)\,dx = \int_0^t g(\eta)u(q,\eta)\,d\eta + \varphi_1(t), \qquad t \in [0,T]\ ; \qquad (4)$$

$$\alpha(t)\frac{d}{dt}u\left(-\frac{t}{2},\frac{t}{2}\right) + \beta(t)\frac{d}{dt}u\left(\frac{t-T}{2},\frac{t+T}{2}\right) = \gamma(t),\ t \in (0,T)$$

қаноатлантирсин, бу ерда $\varphi_0(x)$, $g(t)$, $\varphi_1(t)$, $\alpha(t)$, $\beta(t)$, $\gamma(t)$ *– берилган узлуксиз функциялар бўлиб,* $\alpha^2(t) + \beta^2(t) \neq 0$, $t \in [0,T]$; $\int_0^q \varphi_0(x)\,dx = \varphi_1(0)$.

I_2 **масала.** *Шундай* $u(x,t)$ *функция топилсинки, у* I_1 *масала шартларини, (4) шарт қуйидаги*

$$\int_0^q u(x,t)\,dx = u(q,t) + \varphi_1(t), \qquad t \in [0,T] \tag{5}$$

шартга алмаштирилган ҳолда қаноатлантирсин, бу ерда $\varphi_0(x)$ *ва* $\varphi_1(t)$ *берилган функциялар* $\int_0^q \varphi_0(x)\,dx = \varphi_0(q) + \varphi_1(0)$ *шартни қаноатлантиради.*

1.1-параграфнинг асосий натижалари қуйидаги теоремалар ҳисобланади:

1-теорема. *Ушбу* $g(t) \in C^1[0,T] \cap C^2(0,T)$, $\varphi_0(x) \in C^2[0,q] \cap C^3(0,q)$, $\varphi_1(t) \in C^2[0,T] \cap C^3(0,T)$, $\varphi_1'(0) - \varphi_0'(q) + \varphi_0'(0) + \varphi_0(q)g(0) = 0$ *шартлар ва қуйидаги шартлар гуруҳидан бири бажарилсин:*

I. $\alpha(t) - \beta(t) \equiv 0$, $\alpha(t) + \beta(t) \neq 0$, $t \in [0,T]$;

$$\alpha(t),\ \beta(t) \in C^1[0,T],\ \gamma(t) \in C^1(0,T) \cap L_2[0,T]; \tag{6}$$

II. $\alpha(t) - \beta(t) \neq 0$, $\alpha(t) + \beta(t) \equiv 0$, $t \in [0,T]$; $\alpha(t)$, $\beta(t) \in C^2[0,T]$,

$$\gamma(t) \in C[0,T] \cap C^2(0,T),\ \gamma'(t) \in L_2[0,T],$$

$$\varphi_0'(0) + 2\gamma(0)\left[\alpha(0) - \beta(0)\right]^{-1} = 0; \tag{7}$$

III. $\alpha(t) + \beta(t) \neq 0$, $\alpha(t) - \beta(t) \neq 0$, $t \in [0,T]$ *;(6).*

У ҳолда I_1 *масала ягона ечимга эга.*

2-теорема. *Ушбу* $\varphi_1(t) \in C[0,T] \cap C^2(0,T)$, $\varphi_1'(t) \in L_2[0,T]$ *шартлар ва қуйидаги шартлар гуруҳидан бири бажарилсин:*

I. $\alpha(t) - \beta(t) \equiv 0$, $\alpha(t) + \beta(t) \neq 0$, $t \in [0,T]$; $\alpha(t)$, $\beta(t) \in C^1[0,T]$,

$\gamma(t) \in C^1[0,T] \cap L_2[0,T]$; $\varphi_0(x) \in C^2[0,q]$;

II. $\alpha(t) - \beta(t) \neq 0$, $\alpha(t) + \beta(t) \equiv 0$, $t \in [0,T]$ *; (7) шарт,*

$$\alpha(t), \beta(t) \in C^2[0,T], \gamma(t) \in C[0,T] \cap C^2(0,T),\ \gamma'(t) \in L_2[0,T];$$

$$\varphi_0(x) \in C^1[0,q] \cap C^3(0,q),\quad \varphi_0''(x) \in L[0,q];$$

III. $\alpha(t) - \beta(t) \neq 0$, $\alpha(t) + \beta(t) \neq 0$, $t \in [0,T]$; $\alpha(t)$, $\beta(t) \in C^1[0,T]$,

$\gamma(t) \in C^1(0,T) \cap L_2[0,T]$; $\varphi_0(x) \in C[0,q] \cap C^2(0,q)$, $\varphi_0'(x) \in L_2[0,q]$.

У ҳолда I_2 *масала ягона ечимга эга.*

1.2-параграфда D соҳада ушбу тенглама қаралган:

$$u_{xx} - \frac{1}{2}(1 - signx)u_{tt} - \frac{1}{2}(1 + signx)u_t - \lambda^2 u = 0, \tag{8}$$

бу ерда D_1 да $\lambda = \lambda_1$ ва D_2 да $\lambda = \lambda_2$, λ_1 ва λ_2 лар эса $R \setminus \{0\}$ га тегишли берилган сонлар.

D соҳада (8) тенглама учун қуйидаги масалалар тадқиқ қилинган:

$\tilde{I}_1$ **масала.** *Шундай* $u(x,t) \in C(\overline{D}) \cap C_{x,t}^{2,1}(D_1) \cap C_{x,t}^{2,2}(D_2)$ *функция топилсинки, у* $D \setminus D_0$ *соҳада (8) тенгламани, (2), (3), (4) ва қуйидаги*

$$a(t)A_{0t}^{1,\lambda_2}\left[\frac{d}{dt}u\left(-\frac{t}{2},\frac{t}{2}\right)\right]+b(t)A_{1t}^{1,\lambda_2}\left[\frac{d}{dt}u\left(\frac{t-T}{2},\frac{t+T}{2}\right)\right]+$$
$$+c(t)\lim_{x\to-0}u_x(x,t)=f(t),\ \ 0<t<T \qquad (9)$$

шартларни қаноатлантирсин, бу ерда $\varphi_0(x)$, $\varphi_1(t)$, $g(t)$, $a(t)$, $b(t)$, $c(t)$, $f(t)$ *–берилган функциялар бўлиб,* $a^2(t)+b^2(t)+c^2(t)\neq 0$, $\int_0^q \varphi_0(x)dx=\varphi_1(0)$;

$A_{mt}^{1,\lambda}$ *– маълум оператор:*

$$A_{kt}^{s,\lambda}\left[\omega(t)\right]=\omega(t)-\int_k^t \omega(z)\left(\frac{z-k}{t-k}\right)^s\frac{\partial}{\partial z}J_0\left[\lambda\sqrt{(t-k)(t-z)}\right]dz,\ \ s=\overline{0,1}, \qquad (10)$$

$J_m(z)$ *эса m тартибли биринчи тур Бессел функцияси,* $m\in R$.

$\tilde{I}_2$ **масала.** *Шундай* $u(x,t)$ *функция топилсинки, у* $\tilde{I}_1$ *масала шартларини, (4) шарт (5) шартга алмаштирилган ҳолда қаноатлантирсин, бу ерда ушбу* $\int_0^q \varphi_0(x)dx=\varphi_0(q)+\varphi_1(0)$ *келишув шарти бажарилади.*

1.2- параграфнинг асосий натижалари қуйидаги теоремалардан иборат:

3-теорема. *Ушбу* $\varphi_0(x)\in C^2[0,q]\cap C^3(0,q)$, $\varphi_1(t)\in C^2[0,T]\cap C^3(0,T)$, $g(t)\in C^1[0,T]\cap C^2(0,T)$, $\varphi_1'(0)-\varphi_0'(0)+\varphi_0'(q)+\varphi_0(q)g(0)+\lambda_1^2\varphi_1(0)=0$ *шартлар ва қуйидаги шартлар гуруҳидан бири бажарилсин:*

I. $a(t)-b(t)-2c(t)\equiv 0$, $a(t)+b(t)\neq 0$, $t\in[0,T]$; $a(t)$, $b(t)$, $c(t),f(t)$ $\in C[0,T]\cap C^2(0,T)$, $a(T)+b(T)>0(<0)$, $a(T)-b(0)\geq 0(\leq 0)$, $a'(t)\leq 0(\geq 0)$, $b'(t)\leq 0(\geq 0)$, $t\in[0,T]$, *сўнгги уч шартлардан камида биттасида қатъий тенгсизлик бажарилади;*

II. $a(t)\neq 0$, $b(t)\equiv 0$, $a(t)-2c(t)\neq 0, t\in[0,T]$; $a(t),c(t)\in C^1[0,T]$, $f(t)\in C^1(0,T)\cap L_2[0,T]$.

У ҳолда $\tilde{I}_1$ *масала ягона ечимга эга бўлади.*

4-теорема. Ушбу $\varphi_0(x)\in C^2[0,q]$, $\varphi_1(t)\in C^1[0,T]\cap C^2(0,T)$ $\varphi_1'(t)\in L_2[0,T]$ *шартлар ва қуйидаги шартлар гуруҳидан бири бажарилсин:*

I. 3-теореманинг биринчи гуруҳ шартлари;

II. $b(t)\equiv 0$, $a(t)-2c(t)\neq 0$, $t\in[0,T]$; $a(t)$, $b(t)$, $c(t)\in C^1[0,T]$, $f(t)\in C^1(0,T)\cap L_2[0,T]$.

У ҳолда $\tilde{I}_2$ *масала ягона ечимга эга.*

Диссертациянинг **«Параболо-гиперболик тенгламалар учун силжишли масалалар»** деб номланган иккинчи боби тўртта параграфдан иборат бўлиб, чегараланмаган $Q=Q_0\cup Q_1\cup Q_2$ соҳада тип ўзгариш чизиғи характеристика бўлмаган параболо-гиперболик тенгламалар учун силжишли шарт берилган масалалар баён қилиш ва ўрганишга бағишланган, бу ерда

$$Q_0=\{(x,t): x=0, 0<t<T\},\ Q_1=\{(x,t): 0<x<+\infty,\ 0<t<T\},$$
$$Q_2=\{(x,t): -T/2<x<0,\ -x<t<x+T\};\ T=const>0.$$

2.1-параграфда Q соҳада ушбу тенглама

$$0=Lu\equiv\begin{cases}L_1u\equiv u_{xx}+(k/x)u_x-u_t-\lambda_1^2u, (x,t)\in Q_1;\\ L_2u\equiv u_{xx}-u_{tt}-\lambda_2^2u,\quad (x,t)\in Q_2\end{cases}\tag{11}$$

қаралган ва қуйидаги масала тадқиқ қилинган, бу ерда $k,\lambda_1,\lambda_2\in R$, $k\in(0;1)$.

H_1 **масала**. *Шундай* $u(x,t)\in C(\overline{Q})\cap C_{x,t}^{2,1}(Q_1)\cap C_{x,t}^{2,2}(Q_2)$ *функция топилсинки, у* Q_1 *ва* Q_2 *соҳаларда (11) тенгламани,* Q_0 *тип ўзгариш чизиғида*

$$\lim_{x\to+0}x^ku_x(x,t)=\lim_{x\to-0}u_x(x,t),\quad 0<t<T\tag{12}$$

улаш шартини, Q *соҳа чегарасида эса қуйидаги чегаравий шартларни*

$$u(x,0)=\varphi(x),\quad 0\le x<+\infty;\qquad \lim_{x\to+\infty}u(x,t)=0,\quad 0\le t\le T;\tag{13}$$
$$a(t)A_{0t}^{0,\lambda_2}\left[u\left(-\frac{t}{2},\frac{t}{2}\right)\right]+b(t)A_{tT}^{0,\lambda_2}\left[u\left(\frac{t-T}{2},\frac{t+T}{2}\right)\right]+c(t)u(0,t)=f(t),\quad 0<t<T$$

қаноатлантирсин, бу ерда $\varphi(x)$, $a(t), b(t), c(t), f(t)-$ *берилган функциялар бўлиб,* $a^2(t)+b^2(t)+c^2(t)\neq0$, $t\in[0,T]$; $A_{kt}^{0,\lambda}$ *–(10) кўринишдаги оператор,* $\overline{Q}=Q\cup\partial Q$.

Бу ерда қуйидаги икки ҳол қаралган:

1^0. $a(t)+b(t)+2c(t)\neq0$, $a(T)=0$, $b(0)=0$, $\varphi(0)=f(0)/[c(0)+a(0)]$; (14)

2^0. $a(t)+b(t)+2c(t)\equiv0$, $a(T)=0$, $b(0)=0$, $\varphi(0)=-f(0)/c(0)$. (15)

2.1-параграфнинг асосий натижалари қуйидаги теоремалар ҳисобланади:

5-теорема. *(14) ва қуйидаги шартлар бажарилган бўлсин:*

$$a(t),b(t),c(t),f(t)\in C^1[0,T]\cap C^2(0,T),\ \varphi(x)\in C^2[0,+\infty);$$
$\varphi(x)$, $\varphi'(x)$ *ва* $\varphi''(x)$ *функциялар* $[0,+\infty)$ *да чегараланган;*

$$\{a(t)/[a(t)+b(t)+2c(t)]\}'\le0,\ \{b(t)/[a(t)+b(t)+2c(t)]\}'\ge0.$$

У ҳолда H_1 *масала ягона ечимга эга.*

6-теорема. *(15) ва қуйидаги шартлар бажарилган бўлсин:*

$$a'(t)b'(t)>0,\ t\in(0,T);\ a(t)\neq b(t), t\in[0,T];$$
$$a(t), b(t), c(t), f(t)\in C^1[0,T],\ \varphi(x)\in C^2[0,+\infty);$$
$\varphi(x)$, $\varphi'(x)$ *ва* $\varphi''(x)$ *функциялар* $[0,+\infty)$ *да чегараланган.*

У ҳолда H_1 *масала ягона ечимга эга.*

2.2-параграфда Q соҳада қуйидаги масала ўрганилган:

H_2 **масала**. *Шундай* $u(x,t)\in C(\overline{Q})\cap C_{x,t}^{2,1}(Q_1)\cap C_{x,t}^{2,2}(Q_2)$ *функция топилсинки, у* Q_1 *ва* Q_2 *соҳаларда (11) тенгламани,* Q_0 *тип ўзгариш чизиғида*

(12) улаш шартини, Q соҳа чегарасида эса (13) ва (9) шартларни қаноатлантирсин.

Бу ерда қуйидаги ҳоллар алоҳида-алоҳида қаралган:

$$1)\ b(t)-a(t)+2c(t)\neq 0,\ a(t)+b(t)\neq 0,\ 0\leq t\leq T; \tag{16}$$

$$2)\ b(t)-a(t)+2c(t)\equiv 0,\ a(t)+b(t)\neq 0,\ 0\leq t\leq T; \tag{17}$$

$$3)\ b(t)-a(t)+2c(t)\neq 0,\ a(t)+b(t)\equiv 0,\ 0\leq t\leq T. \tag{18}$$

Қуйидаги теоремалар исботланган:

7-теорема. *(16) ва қуйидаги шартлар бажарилган бўлсин:*

$$\alpha'(t)\leq 0,\ \beta'(t)\leq 0,\ t\in[0,T];\ \alpha(T)+\beta(T)\geq 0,\ \alpha(T)-\beta(0)\geq 0,$$

$$\left.\begin{array}{l} a(t),\ b(t),\ c(t),\ f(t)\in C[0,T]\cap C^2(0,T),\ \varphi(x)\in C[0,+\infty)\cap C^2(0,+\infty), \\ \varphi(x),\ \varphi'(x), \varphi''(x)\ \textit{функциялар}\ [0,+\infty)\textit{да чегараланган}, \end{array}\right\}, \tag{19}$$

бу ерда $\alpha(t)=a(t)/[a(t)-b(t)-2c(t)],\quad \beta(t)=b(t)/[a(t)-b(t)-2c(t)]$.

У ҳолда H_2 масала ягона ечимга эга.

8-теорема. *(17), (19) ва қуйидаги шартлар бажарилган бўлсин:* $a(T)+b(T)>0(<0),\ a(T)-b(0)\geq 0(\leq 0);\ a'(t)\leq 0(\geq 0),\ b'(t)\leq 0(\geq 0),\ t\in[0,T]$, *сўнгги уч шартларнинг камида биттасида қатьий тенгсизлик бажарилади.*

У ҳолда H_2 масала ягона ечимга эга.

9-теорема. *(18), (19) ва* $\lambda_2=0$ *ёки* $c(t)\neq 0,\ \ b(t)=mc(t),\ \ m\in R\setminus(0,1]$ *шартлар бажарилган бўлсин. У ҳолда H_2 масала ягона ечимга эга.*

2.3- параграфда Q соҳада ушбу тенглама

$$L_\lambda^{(k)}u\equiv\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}+\frac{k}{x}\frac{\partial u}{\partial x}-\frac{\partial^{2-H(x)}u}{\partial t^{2-H(x)}}-\lambda^2 u=0 \tag{20}$$

қаралган ва қуйидаги масала ўрганилган, бу ерда $H(x)$–Хевисайд функцияси, $k=const\in(0,1)$.

$\tilde{H}_1$ **масала.** *Шундай* $u(x,t)\in\bigcap\limits_{j=1}^{2}\left[C(\bar{Q}_j)\ \cap C_{x,t}^{2,j}(Q_j)\right]$ *функция топилсинки, у Q_1 ва Q_2 соҳаларда (20) тенгламани, Q_0 тип ўзгариш чизиғида*

$$u(-0,t)=u(+0,t),\ 0\leq t\leq T;\ \lim_{x\to -0}(-x)^k u_x(x,t)=\lim_{x\to +0}x^k u_x(x,t),\quad 0<t<T \tag{21}$$

улаш шартларини, Q соҳа чегарасида эса қуйидаги

$$u(x,0)=\varphi(x),\ 0\leq x<+\infty;\ \lim_{x\to+\infty}u(x,t)=0,\ 0\leq t\leq T, \tag{22}$$

$$a(t)\,A_{0t}^{1,\lambda}D_{0t}^{k/2}\left[t^{k-1}u\left(-\frac{t}{2},\frac{t}{2}\right)\right]+b(t)\,A_{Tt}^{1,\lambda}D_{Tt}^{k/2}\left[(T-t)^{k-1}u\left(\frac{t-T}{2},\frac{t+T}{2}\right)\right]+$$
$$+c(t)u(0,t)=\psi(t),\qquad 0<t<T$$

шартларни қаноатлантирсин, бу ерда $\varphi(x), a(t),\ b(t),\ c(t), \psi(t)$ *– берилган функциялар бўлиб,* $a^2(t)+b^2(t)+c^2(t)\neq 0,\ t\in[0,T]$; $A_{mt}^{s,\lambda}$ *ва* D_{mt}^{α} *операторлар (10) ва ушбу формула билан аниқланган:*

$$D_{mt}^{\alpha}\left[g(t)\right]\equiv\frac{1}{\Gamma(1-\alpha)}\frac{d}{dt}\int_m^t|t-z|^{-\alpha}g(z)dz,\quad 0<\alpha<1. \tag{23}$$

Бу ерда қуйидаги ҳоллар қаралган:

I. $p(t)\neq 0, t\in[0,T]$; II. $p(t)\equiv 0,\ t\in[0,T]$,

бу ерда $p(t)=a(t)(T-t)^{1-k/2}+b(t)t^{1-k/2}+\left[\Gamma(k/2)/\Gamma(k)\right]\left[t(T-t)\right]^{1-k/2}c(t)$.

I. $p(t)\neq 0, t\in[0,T]$ бўлсин. Бундан эса $t=T$ ва $t=0$ ларда $b(T)\neq 0$, $a(0)\neq 0$ эканлиги келиб чиқади. Қуйидаги лемма ўринли:

1-лемма. *Агар $u(x,t)$ – $\tilde{H}_1$ га мос бир жинсли масаланинг ечими ва $\lim\limits_{x\to 0}|x|^k u_x(x,t)\in L_2[0,T]$ бўлса, у ҳолда*

$$p(t)\neq 0,\qquad \left[a(t)(T-t)^{1-k/2}/p(t)\right]'\leq 0,\qquad \left[b(t)t^{1-k/2}/p(t)\right]'\geq 0,\qquad t\in[0,T]$$

шартлар бажарилганда, $\lim\limits_{x\to 0}|x|^k u_x(x,t)=0,\ t\in[0,T]$ тенглик ўринли бўлади.

10-теорема. *Агар 1-лемманинг шартлари бажарилган бўлса, у ҳолда $\tilde{H}_1$ масала биттадан ортиқ ечимга эга бўлмайди.*

11-теорема. *1-лемма шартлари ва қуйидаги шартлар бажарилган бўлсин:*

$$a(t)=(T-t)^{\varepsilon+k/2}\tilde{a}(t),\ \ b(t)=t^{\varepsilon+k/2}\tilde{b}(t),\ \ c(t)=\left[t(T-t)\right]^{\varepsilon+k/2}\tilde{c}(t),\ \varepsilon>0,$$

$$\tilde{a}(t),\tilde{b}(t),\tilde{c}(t)\in C^1[0,T]\cap C^4(0,T);\ \psi(t)=\left[t(T-t)\right]^{-\delta}\tilde{\psi}(t),\ \delta\leqslant 1-(k/2),$$

$$\tilde{\psi}(t)\in C^1[0,T]\cap C^3(0,T);\ \varphi(x)\in C[0,+\infty)\cap C^3(0,+\infty),\ \lim_{x\to+\infty}\varphi(x)=0;\ \varphi'(x),$$

$\varphi''(x)$, $\varphi'''(x)$ функциялар $[0,+\infty)$ да чегараланган.

У ҳолда $\tilde{H}_1$ масаланинг ечими мавжуд ва ягона.

II. $p(t)\equiv 0,\ t\in[0,T]$ бўлсин. Бундан эса $t=0$ ва $t=T$ ларда $a(0)=0$, $b(T)=0$ эканлиги келиб чиқади. Буни эътиборга олиб, $a(t)=t^{1-k/2}\alpha(t)$ деб фараз қиламиз, бу ерда $\alpha(t)$ – маълум функция.

Қуйидаги теоремалар ўринли:

12-теорема. *Агар $p(t)\equiv 0,\ a(t)=t^{1-k/2}\alpha(t),\ \alpha'(t)\leq 0,\ c'(t)\leq 0, t\in[0,T]$; $\alpha(T)-\alpha(0)-\Gamma(k/2)\Gamma^{-1}(k)c(0)>0$ шартлар бажарилган бўлса, у ҳолда $\tilde{H}_1$ масала биттадан ортиқ ечимга эга бўлмайди.*

13-теорема. *12-теореманинг шартлари ва ушбу шартлар бажарилган бўлсин: $\alpha(t), c(t)\in C^2[0,T]\cap C^4(0,T)$, $\varphi(x)\in C[0,+\infty)$, $\lim\limits_{x\to+\infty}\varphi(x)=0$, $\psi(t)=t^{\delta}\tilde{\psi}(t)$, $\delta\geq(1-k)/2$, $\tilde{\psi}(t)\in C^1[0,T]\cap C^3(0,T)$; $c(t)\neq 0$, $\left[\alpha(t)-\cos(k\pi)\beta(t)\right]\beta(t)<0$, $t\in[0,T]$.*

У ҳолда $\tilde{H}_1$ масаланинг ечими мавжуд ва ягона.

2.4-параграфда Q соҳада ушбу

$$0=\begin{cases}\tilde{L}_1 u \equiv u_{xx}+(k_1/x)u_x-u_t-\lambda_1^2 u, \ (x,t)\in Q_1,\\ \tilde{L}_2 u \equiv u_{xx}+(k_2/x)u_x-u_{tt}-\lambda_2^2 u, \ (x,t)\in Q_2\end{cases}$$

тенглама қаралган ва қуйидаги масала тадқиқ қилинган, бу ерда $k_1,k_2,\lambda_1,\lambda_2\in R$ бўлиб, $k_1\in(-1,1)$, $k_2\in(0,1)$

$\tilde{H}_2$ **масала.** *Шундай* $u(x,t)\in\bigcap_{j=1}^{2}\left[C(\overline{Q}_j)\cap C_{x,t}^{2,j}(Q_j)\right]$ *функция топилсинки, у* Q_1 *ва* Q_2 *соҳаларда мос ҳолда* $\tilde{L}_1 u=0$ *ва* $\tilde{L}_2 u=0$ *тенгламаларни,* Q_0 *тип ўзгариш чизиғида*

$$u(-0,t)=u(+0,t),\ 0\le t\le T;\ \lim_{x\to-0}(-x)^{k_2}u_x(x,t)=\lim_{x\to+0}x^{k_1}u_x(x,t),\ \ t\in(0,T)$$

улаш шартларини, Q *соҳа чегарасида эса (22) ва*

$$a(t)A_{0t}^{1,\lambda_2}D_{0t}^{1-k_2/2}u\left(-\frac{t}{2},\frac{t}{2}\right)+b(t)A_{Tt}^{1,\lambda_2}D_{tT}^{1-k_2/2}u\left(\frac{t-T}{2},\frac{t+T}{2}\right)+$$

$$+c(t)\lim_{x\to-0}(-x)^{k_2}u_x(x,t)=\psi(t),\ \ t\in(0,T)$$

шартларни қаноатлантирсин, бу ерда $a(t)$, $b(t)$, $c(t)$, $\psi(t)$ *– берилган функциялар бўлиб,* $a^2(t)+b^2(t)+c^2(t)\ne0$, $t\in(0,T)$; $A_{mt}^{s,\lambda}$ *ва* D_{mt}^{α} *– (10) ва (23) кўринишдаги операторлар.*

Қуйидаги теорема ва леммалар исботланган:

2-лемма. $\nu(t)\in L_2[0,T]$, $k_2>(1+k_1)/2$, $q(t)\ne0$, $t\in[0,T]$ *ва қуйидаги тенгсизликлар ўринли бўлсин:*

$$\alpha'(t)\le0,\ \beta'(t)\ge0,\alpha'^2(t)+\beta'^2(t)\ne0,\ t\in[0,T].$$

У ҳолда $\tilde{H}_2$ *га мос бир жинсли масала фақат тривиал ечимга эга бўлади, бу ерда*

$$q(t)=\gamma_5\left[a(t)(T-t)^{k_2/2}+b(t)t^{k_2/2}\right]-\left[t(T-t)\right]^{k_2/2}c(t),\ \alpha(t)=(T-t)^{k_2/2}a(t)q^{-1}(t),$$

$$\beta(t)=t^{k_2/2}b(t)q^{-1}(t),\ \gamma_5=2^{k_2-1}\Gamma(1-k_2)\,\Gamma^{-1}\left[1-(k_2/2)\right]\Gamma^{-1}(k_2)\Gamma(k_2/2),$$

$$\nu(t)=\lim_{x\to-0}(-x)^{k_2}u_x(x,t)=\lim_{x\to+0}x^{k_1}u_x(x,t),$$

$u(x,t)$*–* $\tilde{H}_2$ *масаланинг ечими.*

12-теорема. *Агар 2-лемманинг шартлари бажарилган бўлса, у ҳолда* $\tilde{H}_2$ *масала биттадан ортиқ ечимга эга бўлмайди.*

